

ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ: ФАЛСАФИЙ, СОЦИОЛОГИК ВА ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВ.

Султамуратов Б. У.

Урганч давлат университети

“Экологик маданият” илмий категория сифатида XX асрда пайдо бўлган, аммо бу унинг кишиларнинг, халқларнинг оламга, табиатга бўлган муносабатлари анъаналар, диний тасаввурлар тарзида, қадимдан мавжудлигини инкор қилмайди. Ҳар бир халқнинг тарихий-маданий мероси ва анъаналарида, айниқса диний тасаввурлари ва анъаналарида инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларга оид илмий, амалий-тарбиявий ва концептуал аҳамиятга эга фикрлар, қарашлар мавжудки, айнан улар бу муносабатларни маданий қадриятларга, яъни экологик маданиятга айлантирган. “Экологик маданият” категорияси икки, моҳиятан бир биридан фарқ қиладиган воқеликлар – “экология” ва “маданият” дан иборат. Лекин ижтимоий онг ва илмий дунёқарашда шаклланган тасаввурлар ушбу икки воқеликни умумлаштириб, уларни инсон ва жамият ҳаёти, келажаги учун ўта долзарб, яхлит ҳодиса сифатида талқин қилишга етаклаган. Ушбу ҳодиса марказида инсон ва табиат муносабатлари туради.

“Экология” категориясининг этимологик талқини юнонча *oikos* сўзидан келиб чиққан бўлиб, уй, турар жой, макон, ватан маъноларини англатади. *Logos* эса таълимот, назария, билим демакдир. Экология талқини уй, макон, ватан ҳақидаги таълимот, назария, билим демакдир. Уни илм-фанга немис биолог Э.Геккел (1834-1919) олиб кирган. У ўзининг 1866 йили чоп эттирган “Организмларнинг бутунумум морфологияси” асарида “экология” категориясини организмнинг ён-атрофга, табиий борлиққа муносабатлари сифатида талқин қилган [1]. Шу тариқа экология назария, билим сифатида шакллана бошлайди. XX аср ўрталарига келиб эса экология АҚШлик олимлар инсоннинг антропоген фаолияти натижасида табиатдаги кўпгина жониворлар, ўсимликлар йўқ қилинаётгани ва табиатга катта зарар етаетганини, масалан, завод ва фабрикаларга яқин бўлган сув ҳавзалари ва дарё, кўл, ариқларда балиқ, планктонлар қирилиб кетаетганини, қишлоқ хўжалигидаги нораціонал ишлар туфайли ер зарарлаётганини тасдиқладилар. “Шу тарзда XX асрнинг 60 йилларига келиб инсоният “глобал экологик инқирозга келиб қолгани аён бўлиб қолди. Саноатнинг ривожлантирилиши, индустриализация, илмий-техник инқилоб, ўрмонларни оммавий тарзда кесиш, гигант заводлар қуриш, атом ва иссиқлик ва гидро станциялари барпо этиш кабилар кишилик олдида инсонни тур сифатида сақлаб қолиш муаммоси пайдо бўлганидан дарак берди” [1].

Экологик маданият ҳақида жуда кўплаб таърифлар ва талқинлар мавжуд. Илмий ёндашувлар нуқтаи назардан уларни фалсафий, социологик, педагогик, антропологик, психофизиологик, биологик, тарихий, ҳуқуқий, этнологик, этномаданий кабиларга ажратиб ўрганиш мумкин. Мазкур ёндашувлар экологик маданиятга кейинги йилларга катта эътибор берилаётганидан дарак берса, иккинчи томондан, у илмий муаммо сифатида илм-фан аҳлининг диққатини тортиб келаётганини кўрсатади. Учинчи томондан эса, муаммони турлича талқин қилишга олиб келаётганини, натижада уни рационал ҳал этиш ўрнига социоэкологик муаммоларни янада кучайтиришга олиб келаётганини кузатиш мумкин. Экологик маданиятнинг турли илмий муаммоларини ўрганилаётгани шубҳасиз яхши, бу мавжуд социоэкологик муаммоларнинг барча томонларини илғаб олишга, жамият институтларини уларни биргаликда ечишга ундашга олиб келади. Бироқ эмпирик нуқтаи назардан уларни ечишда қатор жиддий тўсиқлар юзага келади. Бу тўсиқлар биринчидан, эмпирик тажрибаларни ва амалий чоратadbирларни бир жойга йиғишга ҳалақит беради, иккинчидан, социоэкологик муаммоларга ажратиладиган сарф-харажатларни, маблағларни турли идоралар ва институтларга сочишдек номақбул ҳолатни юзага келтиради, учинчидан, муаммони аниқ амалий вазифа, эмпирик натижаси аниқ белгиланган мақсад сифатида белгилашга ҳалақит беради. Шунинг учун аниқ, рационал ва самарали натижаларга эришиш “экологик маданият” тушунчасининг илмий талқинларини аниқлаштириш, мавжуд талқинларга ижтимоий-фалсафий баҳо бериш, улардан аниқ, яхлит ва барча кишиларга тушунарли бўлган талқинини шакллантириш эҳтиёжи мавжуддир. Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, илмий талқинлар билан мудом баҳслашиш, уларни тўлдириш ёки инкор қилиш мумкин, лекин улар мавжуд муаммога рационал, самарали ва замонавий ечим топиш йўллари топишга қаратилиши керак. Бу эса “экологик маданият” тушунчаси ва унинг илмий талқинлари нафақат гносеологик, шунингдек, эмпирик-амалий аҳамиятга эга воқелик эканини билдиради. Гносеологик ёндашув, илмий талқинлар таҳлили пировард натижада ижтимоий борлиқни, айниқса кишиларнинг экологик ҳуқ-атворини ва экологик дунёқарашини юксалтиришга қаратилиши даркор.

Фалсафий ёндашув. Мазкур ёндашув антик даврдан бери мавжуд. Масалан, Фалес, етти донишмандларнинг етакчиси, биринчилардан бўлиб инсон ва табиат уйғунлиги ҳақида фикр юритган. У Қуёш тутилиши унинг ой билан тўсилиши туфайли рўй беришини, диаметр айлананинг тенг иккига бўлиниши эканини, Қуёш тутилишининг инсон организми ва ҳаётига таъсир этишини исботлаган. У “ҳамма нарсанинг асоси сув”, “Ер сувда сузади” деб ҳисоблаган. Анаксагор, Эмпедокл, Платон, Аристотель, Геродот, Гиппократ, Эратосфен, Лукреций Кар, Страбон, Плиний, Р.Бэкон, Н.Коперник, Г.Галилей асрларидан экологияга оид кўплаб фикрлар ва илмий концептуал аҳамиятга эга фикрларни келтириш мумкин [2]. Шарқ фалсафасида Осмон, Ер ва Инсон уйғун бирлик, Бутун тарзида қаралган. Лао Цзи ва Конфуций таълимоти, фалсафаси ушбу уйғунлик бузилган жойда хаос, бетартиблик, урф-одатларни менсимаслик, натижада жамиятда маънавий инқироз юзага келади деб ҳисоблаган [3]. Ҳинд фалсафасида кенг эътироф этилган Нагаржуна мактаби вакиллари табиатга, ён -атрофга

гуманистик ёндашувни трғиб этишган. Уларнинг фикрича, ён-атроф тирик мавжудотларга тўла, уларни баъзан биз кўрмаймиз. Шунинг учун улар ана шу мавжудотларни ўлдириб қўймаслик учун оғзини дока билан беркитиб, кадамини супириб юришни одат қилишган [4]. Бундай гуманистик ёндашувни кейинчалик Ж.Ж.Руссо, Вольтер, Г.Торо, А.Швейцар, Шри Ауробиндо каби файласуфлар давом эттиришди. Масалан, Вольтер “Фақат табиий нарсаларгина гўзалдир. Табиатан инъом этилмаган қобилятни ҳеч қайси ёшда қўлга киритиб бўлмайди” деб ҳисоблаган [5]. Ҳатто у табиатни мутлақлаштиришгача, яъни инсон унинг қонунларини билиши мумкин эмас деган релятивистик фикрни билдиришгача боради. “Фалсафа, - деб ёзади у, - бизга оламни тушунарси мангу борлиқ эканлигини ўргатади. Аммо у оламнинг сифатлари ва таркиби ҳақида аниқ сўз айтолмайди. Борлиқнинг табиати биз учун мутлақо англаб бўлмасдир” [5].

Француз файласуфи П.А.Гольбах (1723-1798)нинг социологик қарашлари экологик маданият ҳақидаги бетакрор таълимотдир. Минг афсуски, мутахассислар унинг ушбу фалсафий меросини эътибордан четда қолдириб келишади. Унинг “Табиат тизими” асари “экологияни фалсафий англашнинг бетакрор намунаси” дейиш мумкин. Париж парламенти эса уни “даҳрий асар” атаб гулханга ташлашга ҳукм қилган. “Инсон – табиат маҳсули, - деб ёзади Гольбах. – Инсон ўзини табиатнинг имтиёзли мавжудоти деб билиши учун ҳеч қандай асос йўқ. Зотан, у ҳам табиатнинг бошқа маҳсуллари каби беқарорликка маҳкум этилган. Унинг сохта устунлиги замирида фақат адашиш ётади. Инсон ўзи макон этган ер курраси узра фикран юксаликка кўтарилиб кўрсин-чи. Шунда у одамзотга худди бошқа ҳамма мавжудотларга қарагандек қарайди. Ҳар бир дарахт ўзига хос мева бергани каби ҳар бир инсон ҳам ўзининг алоҳида қувватига хос равишдаги ҳаракатлари ёки қилмилари мевасини бераётганини кўради. Ҳамда ўзининг ўрнини қайта баҳолашга ундаётган пуч ҳаёлигини инсон бир вақтнинг ўзида ҳам Коинот кузатувчиси, ҳам Коинотнинг бир бўлаги эканлиги туфайли пайдо бўлганини англайди” [5]. Файласуф жамият тараққиётини табиатнинг уйғониши, ўсиши, раванқ топиши, кексайиши ва сўнишига ўхшатган [5]. Гольбахнинг ушбу социологик қарашлари кейинчалик Ф.Ницше, О.Шпенглер, А.Тойнбининг цивилизациялар назариясида давом эттирилган. Хуллас, экологик маданиятга фалсафада: а) табиат ва жамият муносабатларига уйғун, бутун қараш; б) инсон ёки ижтимоий омиллари устун қўйиш; в) табиатни, биологик эҳтиёжларни етакчи билиш каби ёндашувлар мавжуддир. Ушбу ёндашувлар у ёки бу кўринишда хануз тақрорланиб, илмий қарашларга туртки бериб туради.

Социологик ёндашув. Жамият билан табиат уйғунлиги борасидаги қарашлар ушбу уйғунликни экологик муносабатлар, экологик онг ва экологик ҳулқ-атвор синтези орқали ўрганишга ундайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, экологик муносабатлар кишиларнинг табиий муҳитга бўлган таъсирини улар ўртасидаги муносабатларнинг табиатга билвосита таъсир этиши ифодасидир. Кишиларро муносабатлар билвосита табиатга, табиий муҳитга, ён-атрофга таъсир этади. Бу аслида антропологик хусусиятга эга муносабатдир. Шунингдек, экологик муносабатларга кишиларнинг табиатга, ён-атрофга бевосита таъсири, яъни табиатга бевосита муносабатлар, ишлаб чиқариш орқали таъсир, инсоннинг ўзи яшаб турган муҳит билан алоқалари киради [6]. Социологик ёндашув кишини жамият ва табиат ўртасидаги алоқаларни ижтимоий-табиий тизимлар, институтлар ва ижтимоий фикрлар орқали ўрганади. Мазкур тизимлар, институтлар ва ижтимоий фикрлар инсон ва жамият муносабатларига бориб тақалса-да, улар табиат, ён-атроф, табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун экологик тадқиқотларда социал экология, тизимли экологик алоқалар, глобал экология, экологик цивилизация, ишлаб чиқариш экологияси, агроэкология, иктисодий экология каби соҳалар вужудга келган. Уларни социологик ёндашувнинг йўналишлари сифатида англаш мумкин [7, 8].

Педагогик ёндашув. Экологик педагогика экологик маданият, экологик онг, экологик дунёқараш, экологик шахсни шакллантириш қонуниятларини ўрганишга қаратилган илм-фан соҳаси ҳисобланади. Экологиядаги педагогик ёндашув эса ушбу экологик тарбияга оид вазифаларни педагогика фанида ишлаб чиқилган назариялар, пастилатлар ва илмий концепцияларга таянган ҳолда амалга оширишга қаратилган усуллар, воситалар ва педтехнологиялар ифодасидир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, экологик педагогика экологик таълим ва тарбиянинг методологик масалаларини аниқлаб беради [9]. У жамият тараққиётида муҳим рол ўйнаётган экологик маданият ва шахснинг табиат, ён-атроф билан алоқаларидаги рационал, гуманистик қадриятларни аниқлашдан иборатдир. Ушбу қадриятларнинг экологик шахсни шакллантиришга қаратилган замонавий педагогик воситалар бири сифатида фойдаланиш методларини ишлаб чиқади ва амалиётга тадбиқ этади. Экологик педагогиканинг энг замонавий йўналишларидан бири бугун “руҳ экологияси” ва “узлуксиз экологик таълим”дир. Тадқиқотчи В.Р. Бганба-Цереранинг фикрига кўра, руҳ экологияси буддизм анъаналарига бориб тақалади, ундаги куч ишлатмаслик ғояси экологик тараққиёт учун жуда зарурдир. Инсоннинг табиат устидан зўравонлик қилиши оқибатида кейинги XX-XXI асрларда экологик инкирозлар юзага келди. Ушбу зўравонликни камайтириш ёки рационаллаштириш аввало “куч ишлатмаслик” концепциясини тақозо этади [10]. Экологик педагогиканинг йўналишлари жуда кенг ва ранг-баранг. Унга экопедагогика ва экологик маданият билан боғлиқ деярли барча мавзулар тааллуқлидир [11, 12, 13]. Шу билан бирга, у экология соҳаси жуда кенг, у организмлар экологияси, популяция экологияси, ҳамжамятлар экологияси ва экотизимли экология ҳам мавжудлигини таъкидлайди [14]. Мазкур йўналишларнинг ҳар бири марказида экологик шахсни шакллантириш, жамиятнинг экологик маданиятини юксалтириш вазифаси туради. Улар экологик маданиятни ушбу стратегик вазифа орқали талқин қилади. Демак, экологик педагогика йўналишлари турлича бўлса-да, уларда экологик маданият талқинларида умумийлик, кофункционал яқинлик мавжуддир.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, экологик маданият умумий ижтимоий-маданий жараёнларнинг таркибий қисми, атрибути, инсоннинг табиатга, ташқи муҳитга, ён-атрофга, ижтимоий-экзистенциал маънода кенг ҳаётга муносабатларининг ифодасидир. Улар марказида инсон ва табиат, шахс ва табиий борлик, меҳнат ва неъмат, кишилараро муносабатлар туради. Ушбу муносабатлар, ижтимоий-фалсафий талқинда, инсоннинг оламга, табиатга, жамият ва бошқа субъектларни англашга, уларни ўзгартириш орқали зарур ижтимоий муҳит яратишга қаратилган саъй-ҳаракатлари мажмуидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каранг: Экологическая культура общества. www.ecoportal.su;
2. С.Жўраева. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 9 б.
3. История китайской философии. – Москва: Прогресс, 1986. С. 62-86
4. Радхакришнан С. Индийская философия. Том 1. – Москва: Ин. лит-ра, 1957. С. 186-188
5. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. 296 б.
6. Каранг: Экологическая культура: понятие, структура, принципы формирования // moodle.kstu.ru
7. Ситаров В.А., Пустовойтова В.В. Социальная экология. – Москва: Экопрос, 2015;
8. Парфенов В. И. Социальная экология. Новые подходы в теории и практике.- Москва: ИООО “Право и экономика”, 2005
9. Моисеева Л.В., Файрушина С.М. Экологическая педагогика: современный аспект // Международный журнал экспериментального образования. 2017, № 2. С.71
10. Бганба-Церера В.Р. Экология души: ненасилие путь в грядущее.- СПб.: Питер, 1994
11. Сафронов Н.П. Формирование экологической культуры учителя. -Москва: Просвещение, 1992;
12. Лихачев Б.Т. Структура экологической культуры личности и педагогические основы ее формирования// Экологическое образование: опыт России и Германии. – Москва: 1987. С. 65-79;
13. Букин А.П. В дружбе с людьми и природой. – Москва: Просвещение, 2005
14. Каранг: <https://expeducation.ru>

Экологик маданиятнинг замонавий илмий-назарий ва ижтимоий-фалсафий талқинлари: фалсафий, социологик ва педагогик ёндашув

Аннотация. Ушбу мақолада “экологик маданият” тушунчасининг илмий талқинларини аниқлаштирилади, унинг мавжуд талқинларга ижтимоий-фалсафий баҳо берилади. Экологик маданиятнинг илмий ёндашувлар нуқтаи назардан фалсафий, социологик, педагогик ёндашувлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: экологик педагогика, фалсафий ёндашув, социологик ёндашув, педагогик ёндашув.

Современные научно-теоретические и социально-философские интерпретации экологической культуры: философский, социологический и педагогический подходы

Аннотация. В данной статье уточняются научные интерпретации понятия "экологическая культура," дается социально-философская оценка его существующим интерпретациям. Рассматриваются философские, социологические, педагогические подходы к экологической культуре с точки зрения научных подходов.

Ключевые слова: экологическая педагогика, философский подход, социологический подход, педагогический подход.

Contemporary scientific, theoretical, and socio-philosophical interpretations of environmental culture: philosophical, sociological, and pedagogical approaches

Abstract. This article clarifies scientific interpretations of the concept of "environmental culture" and provides a socio-philosophical assessment of its existing interpretations. Philosophical, sociological, and pedagogical approaches to environmental culture are examined from a scientific perspective.

Key words: environmental pedagogy, philosophical approach, sociological approach, pedagogical approach.